

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНОВ НУРЗОД ИСМОИЛОВИЧ

**ҚАДРИЯТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ
ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

УЎК: 373.3:793.7(575.1)

**Педагогика фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук по
педагогическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Science
degree in Pedagogy**

Давронов Нурзод Исмоилович

Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний
сифатларни ривожлантиришнинг педагогик асослари 3

Давронов Нурзод Исмоилович

Педагогические основы развития физических качеств учеников начальных
классов на основе ценностного подхода..... 21

Davronov Nurzod Ismoilovich

Pedagogical foundations for the development of physical qualities of primary
school students based on a value approach..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНОВ НУРЗОД ИСМОИЛОВИЧ

**ҚАДРИЯТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ
ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Филсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped1063 рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маъмуров Баходир Бахшуллаевич педагогика фанлари доктори (DSc), профессор
Расмий оппонентлар:	Махмудов Меле Ҳасанович педагогика фанлари доктори, профессор Ахмедов Фурқат Қўлдошев педагогика фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Навоий давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «16» ноябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0365)221-29-14; факс: (0365)221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0365)221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «03» ноябрь кунини тарқатилди.
(2022 йил «03» ноябрь даги 11 рақамли реестр баённомаси)



С.Қ.Қаххоров,
Илмий қаражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.Р.Жўраев,
Илмий қаражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.д.
(PhD) доцент

Ҳ.О.Жўраев,
Илмий қаражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, п.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда ўсиб келаётган ёшларни ҳар томонлама камол топган шахс сифатида вояга етказиш, тарбиялаш жараёнининг концептуал асослари, муайян миллатнинг этнопедагогик қадриятлари, анъаналари ва урф-одатларининг тарихи ҳамда моҳиятини ўрганишга қаратилган. Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбиялаш жараёнида инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш, ўқув предметлари ўртасида ўзаро интеграция асосида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий, ақлий ҳамда жисмоний тарбиялашни таъминлаш кўплаб халқаро институтлар томонидан эътироф этилиб, YUNESKO томонидан жисмоний тарбия "Барча болалар ва ёшларнинг жамиятда фаол ўрин эгаллаши учун тегишли кўникма, хулқ-атвор, қадриятлар, билим ва тушунчалар билан таъминлашнинг энг самарали воситаси" сифатида тан олинган.

Дунё таълим тизимида кичик ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари, этнопедагогик ҳамда этнопсихологик жиҳатларини тадқиқ этиш, жисмоний сифатларни аниқлашни турли дастурлаштирилган-рақамли технологиялар ёрдамида амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади. Таълим-тарбия жараёнида инновацион таълим технологияларни қўллаш воситасида қадриятларга бўлган ижобий муносабатни тарбиялашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Глобаллашув шароитида ёшларда жисмоний сифатларни ривожлантиришни педагогик нуқтаи-назардан қадриятли ёндашув асосида ўрганилиши воқеликни атрофлича идрок этиш моҳиятига кўра муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда бошланғич синф ўқувчиларининг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний камолотга эришувига имконият берувчи жисмоний машқлар ва миллий мерос мазмунини ўзида акс эттирувчи тарбиявий тадбирлар орқали қадриятларга бўлган муносабатни шакллантириш доирасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонида “Янги мактаблар қуриш, хусусий мактабларни кўпайтириш, таълим сифатини оширишни назарда тутувчи миллий дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш”¹ каби вазифалар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”², – деган фикрлари ёш авлодни миллий қадриятлар асосида етук, баркамол этиб тарбиялашда барчамизга куч-ғайрат бағишламоқда. Бу борада қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармони. <https://lex.uz/pdfs/5841063>

² 2021 йил 6 ноябрь куни Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.

ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш ҳамда ўқитиш методларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъриё-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги: Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси Мамлакатимизда кадрият, унинг турлари, фалсафий негизлари Э.Ю.Осупов, Ж.Туленов, Қ.Назаров ўсиб келаётган ёш авлодни, айниқса бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний жиҳатдан тарбиялаш масалалари К.М.Маҳкамжонов, Ф.Н.Насриддинов, Р.С.Саломов, Т.С.Усмонхўжаев, Ш.Х.Хонкелдиев, Т.М.Юнусова, Ф.Хўжаев, К.Д.Ярашев, Б.Бойбобоев, А.М.Ачилов каби бир гуруҳ олимларнинг илмий-амалий ишларида ўз ифодасини топган.

Миллий кадрият сифатида халқ миллий ҳаракатли ўйинларининг ижтимоий-педагогик хусусиятларини ўрганиш борасида М.М.Раҳимов, Р.Йўлдошева, Х.Туленова, Т.Расулов, Б.Б.Маъмуров каби олимларнинг тадқиқотлари қимматли илмий аҳамиятга моликдир.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимларидан А.В.Морозов, В.С.Кукушин, П.П.Гайденко шахс ривожланиши ва вояга етишида кадриятли тасаввурларнинг ўрни ва аҳамияти, педагогик аксиология ва таълим жараёнида аксиологик ёндашув масалалари Г.П.Богданов, Л.П.Матвеев, Г.Ю.Фокин, Е.Я.Бондаревский, М.М.Боген, В.М.Качашкин томонидан махсус тадқиқ этилган.

Хорижий олимларнинг миллий ва умуминсоний кадриятларни асраб-авайлаш, шахс шаклланиши ва ривожланишида тутган ўрни кадриятларни ўрганиш услублари, шунингдек, миллий ва ҳаракатли ўйинларни кадрият сифатида ўрганиш спортнинг инсон саломатлигига таъсири масалаларига

эътибор қаратилган. Жумладан, М.Т.Рокеач³, Ҳ.Портнех⁴, С.Н.Шварц⁵ томонидан умуминсоний ва миллий қадриятларни ўрганиш услублари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетини шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қадриятли ёндашув асосида кичик ёшдаги ўқувчиларда жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг педагогик асосларини аниқлаш ва улардан ҳозирги давр таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатлар (куч, чаққонлик, чидамлилик, эгилувчанлик, тезкорлик, кординация)ни ривожлантиришнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари уларнинг жисмоний тайёргарлик омиллари асосида ва психофизиологик ҳамда педагогик шарт-шароитлари (таълим муҳити ва тарбия жараёни, тамойиллар, функциялар) жисмоний тайёргарлик мезонларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштириш;

умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларида табиий ҳатти-ҳаракатлар (юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, предметли машқлар) турлари билан маънавий-ахлоқий қарашлар (инсонийлик, ҳаққонийлик, дўстлик, самимийлик) уйғунлигини таъминлаш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш жараёнининг ташкилий-тарбиявий компонентлари мазмунан такомиллаштириш;

“оила-маҳалла-мактаб-олий ўқув юрти” ҳамкорлигида дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар, махсус курслар, вебинарлар ва ўқув материаллари мазмунини жисмоний ва интеллектуал хусусиятлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш орқали ички ва ташқи интеграциялаш асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш;

ўқув-тарбия жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларда жисмоний сифатларининг ривожланганлик даражалари (паст, ўрта, юқори) ҳамда мажмуавий баҳолаш мезони (қадриятли-ижодий, фаолиятли-коммуникатив, мотивацион) амалий тажриба машғулотлари асосида такомиллаштирилиб, қадриятли ёндашув асосида ўқитиш самарадорлигини таъминлашга қаратилган механизмни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни қадриятли ёндашув асосида ривожлантириш жараёни танланиб, тажриба-синов ишларида Бухоро, Қашқадарё, Навоий шаҳридаги

³ Rokeach M. The Nature of Human Values. New York: The Free Press, 1973. 438 p.

⁴ Портнех Ҳ. Спортивные и боевые игры.– Москва, 1997. – 117 с.

⁵ Schwartz S.H. Universals in the content and structure of values: theoretical advances and empirical tests in 20 countries // Advances in experimental social Psychology. Vol.25. 1992. P.1-65.

умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари ҳамда 485 нафар ўқувчилари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда педагогик тадқиқотларда қўлланиладиган адабиётлар таҳлили, кузатув, умумлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, педагогик эксперимент, математик-статистик ишлов бериш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатлар (куч, чакқонлик, чидамлилик, эгилувчанлик, тезкорлик, кординация)ни ривожлантиришнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари уларнинг жисмоний тайёргарлик омиллари асосида ва психофизиологик ҳамда педагогик шарт-шароитлари (таълим муҳити ва тарбия жараёни, тамойиллар, функциялар) жисмоний тайёргарлик мезонларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилган;

умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларида табиий ҳатти-ҳаракатлар (юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, предметли машқлар) турлари билан маънавий-ахлоқий қарашлар (инсонийлик, ҳаққонийлик, дўстлик, самимийлик) уйғунлигини таъминлаш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш жараёнининг ташкилий-тарбиявий компонентлари мазмунан такомиллаштирилган;

“оила-маҳалла-мактаб-олий ўқув юрти” ҳамкорлигида дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар, махсус курслар, вебинарлар ва ўқув материаллари мазмунини жисмоний ва интеллектуал хусусиятлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш орқали ички ва ташқи интеграциялаш асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг педагогик жараёни такомиллаштирилган;

ўқув-тарбия жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларда жисмоний сифатларининг ривожланганлик даражалари (паст, ўрта, юқори) ҳамда мажмуавий баҳолаш мезони (қадриятли-ижодий, фаолиятли-коммуникатив, мотивацион) амалий тажриба машғулотлари асосида такомиллаштирилиб, қадриятли ёндашув асосида ўқитиш самарадорлигини таъминлашга қаратилган механизмни амалга ошириш самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқув-тарбия жараёнида диспутлар, семинар-тренинглари, давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга йўналтирилган “Бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришга қадриятли ёндашув” махсус ўқув курси дастури ишлаб чиқилган, ушбу ўқув курси танлов фан сифатида 60112200 – Жисмоний маданият бакалавриат таълим йўналиши ишчи ўқув режасига киритилган;

қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш мазмуни аниқланиб, уни амалга ошириш механизми очиб берилган, жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда ўқувчилар

ўртасидаги муносабатларни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини ўз ичига олган “Спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш ва ҳакамлик қилиш” номли ўқув қўлланма тайёрланган;

умумий ўрта таълим мактабларидаги жисмоний тарбия ўқув предмети мазмунида кадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришга оид илмий-методик тавсияларни қамраб олувчи дастурий платформа ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тадқиқотнинг мантиқий тизимлашган дастури, қўлланилган усуллар, реал педагогик амалиёт ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг таҳлили, таҳлилнинг математик-статистик методлари воситасида асосланганлиги, кўрсатиб ўтилган таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, эришилган натижаларнинг тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ижобий хулосалар берилганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, умумий ўрта таълим мактаблари ўқув тарбия жараёни самарадорлиги, кадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчилари жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятларига оид илмий-педагогик қарашлар, назарий ёндашувлар ҳамда услубий тавсиялар билан бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчилари жисмоний сифатларини ривожлантириш жараёнининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, механизми ва уни ташкил этиш йўллари, шакллари, методларини қўллашга доир тавсиялардан умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув-тарбия жараёни мазмунини бойитиш, халқ анъаналари, урф-одатлари, байрамларида жисмоний тарбияни амалга оширишга бевосита раҳбарлик қиладиган, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини такомиллаштиришга доир йўриқномалар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларида кадриятли ёндашув асосида жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг педагогик асосларига доир тадқиқот ишимиз натижаси асосида:

бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатлар (куч, чакқонлик, чидамлик, эгилувчанлик, тезкорлик, координация)ни ривожлантиришнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари уларнинг жисмоний тайёргарлик омиллари асосида ва психофизиологик ҳамда педагогик шарт-шароитлари (таълим муҳити ва тарбия жараёни, тамойиллар, функциялар) жисмоний тайёргарлик мезонларини аниқлаштиришга оид таклифлардан Бухоро давлат университетининг ОТ-Ф1-002 – “Ёшларда миллий ғоя ва мавқуравий иммунитетини шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг “Ёшларда миллий ғоя ва мавқуравий иммунитетини шакллантиришда миллий мерос ва кадриятларнинг аҳамияти” бўлимини амалга жорий этишда фойдаланилган.

(Бухоро давлат университетининг 2021 йил 29 ноябрдаги 01-2896-сон маълумотномаси). Натижада, қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчилари жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятларини ташхислаш ва коррекциялаш методларини қўллаш имкониятлари кенгайтирилган;

умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларида табиий ҳатти-харакатлар (юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, предметли машқлар) турлари билан маънавий-ахлоқий қарашлар (инсонийлик, ҳаққонийлик, дўстлик, самимийлик)ни ҳисобга олган ҳолда жисмоний сифатларни ривожлантириш жараёнининг ташкилий-тарбиявий компонентларини мазмунан такомиллаштиришга оид муаллифлик ғояларидан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил март апрел ойларидаги “Спорт менинг тақдиримда”, “Келажак эгалари” кўрсатувларининг сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 24 декабрдаги 1/330-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт ҳамда миллий қадриятларга меҳр - муҳаббат руҳида тарбиялаш ва таълим жараёнини самарали ташкил этишга хизмат қилган.

“оила – маҳалла – мактаб – олий ўқув юрти” ҳамкорлигида дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар, махсус курслар, вебинарлар ва ўқув материаллари мазмунини жисмоний ва интеллектуал манфаатлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш орқали ички ва ташқи интеграциялаш асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг педагогик жараёнини такомиллаштиришга оид назарий маълумотлар “Спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш ва ҳакамлик қилиш” ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-070 рақамли гувоҳномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг миллий қадриятларга нисбатан билим ва кўникмаларини ривожлантириш мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси юзасидан жами 22 та илмий нашр, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 3 таси хорижий, 6 таси республика илмий журналларда, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда 12 та тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матни 126 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий, амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда тадқиқот муаммосига доир илмий-назарий адабиётларнинг қиёсий таҳлили асосида, қадрият тушунчасининг мазмун-моҳияти, қадриятли ёндашувнинг бошланғич синф ўқувчиларда жисмоний сифатларни ривожлантиришдаги педагогик феномен сифатидаги тавсифи, бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари мазмуни ёритилган.

Қадриятларнинг мазмуни, моҳияти, намоён бўлиш шакллари билан боғлиқ муаммоларнинг таҳлили узоқ тарихга эга. Кишилар қадим замонларданок ўзларини ўраб турган олам, ундаги нарса, воқеа ва ҳодисалар, одамлар ўртасидаги муносабатларга баҳо берганлар. Уларнинг қадр тўғрисида фикр юритганлар. Замонлар ўтиши, жамият ривожини давомида бу борадаги муаммолар кўпайган, уларни ҳал қилишнинг аҳамияти ортаверган. Қадриятлар мавзуси бир қатор дунёқарашларнинг асосида ётган, уларнинг марказий қисмини ташкил қилган.

Қадриятлар муайян жамият ва синфга мансуб кишилар турмуши ва маданиятининг ҳақиқий ёки идеал кўриниши бўлган табиат ва жамият ҳодисаларининг моҳияти ёки ҳодисанинг бир жиҳатидир. Буларнинг қадриятлар дейилишига сабаб – кишилар уларни қадрлайдилар, чунки бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади. Шунинг учун ҳам кишилар ўз тасарруфидаги қадриятларни ҳимоя қилади ва ўзи учун мақсад ёки идеал қадриятларни амалга оширишга интилади.

Қадрият–воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий–ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган фалсафий – ижтимоий ва аксиологик тушунча ҳисобланади. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорлик, гўзаллик ахлоқий хислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланди.

Илмий-адабиётлар таҳлили натижасида қадрият деганда инсон, жамият учун аҳамиятли бўлган, шахс, миллат, элат ёки ижтимоий гуруҳларнинг маънавий-маданий эҳтиёжлари тараққиётининг маҳсулини ифодаладиган, моддий, номоддий ва маънавий бойликлар мажмуаси тушунилади.

Миллий қадрият деганда, энг аввало, тарихий синовларга бардош берган, халқимизнинг миллий манфаатларини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган, замонавий тараққиёт талабига бутунлай жавоб бера оладиган, асрлар ўтгани сайин кадр-қиммати ортиб борадиган ғоялар тушунилади. Ҳаёт ривожланиб бораркан, қадрият ҳам такомиллашиб, мукаммаллашаверади.

Юқоридаги қадриятлар тизими моҳияти ва уларнинг инсон ҳаёти ва фаолиятидаги ўрни ҳамда аҳамияти нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, иқтисодий, сиёсий, маънавий фаолият ва жараёнларнинг жамият ҳамда ижтимоий субъектлар учун аҳамияти, ҳаётнинг турли қирраларини акс эттирадиган муаммолар ҳамда уларнинг ечимини ифодаладиган қараш, ғоя, таълимот, талаб ва эҳтиёжларнинг реал жараён учун кадр-қимматини аниқлаш қадриятли ёндашув мазмунини ташкил этади.

Ёш авлоднинг жисмоний сифатларини ҳар томонлама ривожлантириш тарбиянинг ажралмас қисми бўлган жисмоний тарбия жараёнида амалга оширилади. Жисмоний тарбиянинг мақсади жамиятнинг соғлом, хушчақчақ, ҳар томонлама жисмоний ривожланган, меҳнат ва Ватан ҳимоясига тайёр турган ёшларни тарбиялашдан иборат узоқ муддатли, уюштирилган педагогик жараёндир.

Тадқиқотлар кўрсатишича, оптимал ҳаракатланиш бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва қобилиятининг ошиши учун катта имкон беради.

Ўқувчиларда жисмоний сифатларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг миллий қадриятларга эътиборини ошириш, маънавий, ахлоқий фазилатларни таркиб топтириш учун кичик мактаб ёши энг қулай давр ҳисобланади. Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, шахснинг жисмоний шаклланиши ва жисмоний тайёргарлик динамикаси ўқувчининг меҳнат қилиш лаёқати ва изчил бажариладиган жисмоний машқларнинг хусусиятига боғлиқдир.

Жисмоний сифатларга (куч, чидамлилиқ, эгиловчанлик, тезкорлик, чаққонлик) тегишлидир.

Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбиялаш ва уларда жисмоний сифатларни ривожлантиришда соғломлаштириш, таълим ва тарбия бериш вазифаларини амалга оширишни кўзда тутаяди. Қадриятли ёндашув асосида бу вазифаларни яхлит ҳолда бажариш имкониятлари кенгайяди.

Бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш нафақат жисмоний тарбия ўқитувчилари ва соҳага масъул шахсларнинг вазифаси бўлиши керак. Зеро, фарзандларимизнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний камолотида барчамиз биргаликда масъул бўлишимизни тақозо этади. Тадқиқотимиз жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган педагогик феноменнинг долзарб аҳамият касб этишини аниқладик. Қуйида қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш тизимининг тузилмаси берилди (1-12расмга қаранг).



1-расм. Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш тузилмаси


Диссертациянинг иккинчи боби “Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шароитлари” деб номланиб, ушбу бобда қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш мазмуни, қадриятли ёндашув асосида дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда бошланғич синф ўқувчилари жисмоний сифатларни ривожлантиришни амалга ошириш механизми ўз аксини топган.

Таҳлиллар жараёнида қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш мақсадида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари билан ташкил этиладиган жисмоний тарбия ва спорт фаолияти асосан қуйидаги йўналишларда олиб борилиши аниқланди:

- жисмоний тарбия дарслари;
- дарсдан ташқари жисмоний тарбия машғулотлари;
- мактабдан ташқари жисмоний тарбия ишлари.

Жисмоний тарбия дарси умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар жисмоний тарбиясининг энг асосий шакли ҳисобланади.

Дарсдан ташқари машғулотларга дарсгача гимнастика машқлари, жисмоний тарбия дақиқалари, катта танаффусда ташкил этиладиган ҳаракатли ўйинлар, оммавий жисмоний тарбия ва спорт байрамлари киради. Мактабдан ташқари ишларга болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спорт тўғараклари, кўрик-танловлар, оммавий тадбирлар, спорт мусобақаларини ташкил этиш, ҳашарларда, меҳнат жараёнида иштирок этиш, байрам тантаналарида иштирок этиш, жамиятнинг турли соҳаларида муваффақиятга эришган таниқли инсонлар билан учрашувлар уюштириш, давра суҳбати, баҳс-мунозара, семинар-тренинглар ташкил этиш каби шаклларни киритамиз.(2-расмга қаранг)



2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш шакллари

Миллий кадриятларнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ўрганиш ва шу асосда бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш ҳамда ёшларни тарбиялаш амалиётига жорий қилиш ўз маданиятимиз ва маънавий бойликларимизнинг юксакликка кўтарилишида асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Техник ҳаракатни эгаллаш жараёни сифати, ўқувчиларда жисмоний хусусиятни тарбиялаш бевосита уларнинг кайфиятига, қизиқишига боғлиқ.

Миллий кадриятларнинг куйидаги кўринишларини тавсифлашимиз мумкин: 1) табиий кадриятлар; 2) иқтисодий кадриятлар; 3) ижтимоий-сиёсий кадриятлар; 4) маънавий кадриятлар; 5) ахлоқий кадриятлар, 6) шахсий кадриятлар.

Мустақиллик шарофати билан муҳим кадриятларимиз ҳисобланган “Наврўз”, “Меҳржон” байрамлари, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари халққа қайтарилди. Улар билан боғлиқ расм-русум, урф-одатлар, удумларни давр талабига, инсонларнинг эҳтиёжига мослаштиришга ҳаракат қилинмоқда.

Ўзбек халқи – қадимдан тўй-маърака турларига бой халқ. Жумладан, суннат тўйи, никоҳ тўйи, соч тўйи, тиш тўйи, бешик тўйи, биринчи қадам тўйи, фотиҳа тўйи, мучал тўйи, эллик ва ундан ортиқ ёшларни нишонлаш тўйлари, ҳайит байрамлари каби кадриятлар одамларда ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳр-оқибат, ҳайр-саховат, имон-эътиқод, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, дўстлик, тежамкорлик каби фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади. Шунингдек, қадимда тўй-базмларда ўйин-кулгу, айтишув, шеърхонлик, миллий кураш, кўпкари, аскиябозлик қилинган. Анъаналар мазмунан ҳар бир миллатнинг, халқнинг ва элатнинг менталитетини оилавий хурсандчилик ёки мотам маросимлари, тантаналари тарзида ифода этади. Уларнинг барчаси мазмунан эзгуликка, инсонпарварликка, яхшиликка йўналтирилган маросимлар бўлиб, жамиятнинг ўзгариши ва давр талаби билан шаклан ва мазмунан ўзгариб боради. Баъзи анъаналар маънавий кадрият даражасига кўтарилади. Жумладан, “Наврўз” байрами Шарқ халқларининг миллий-маънавий кадриятларидан ҳисобланади.

Ўзбек халқ маданиятининг таркибий қисми ҳисобланган халқ

ўйинлари халқ маънавияти ва маданиятида янги авлодни шакллантириш ва улар орасида соғлом турмуш тарзини таркиб топтиришда алоҳида ўрин тутди.

Оммавий маданий тадбирларда (байрамлар, тўйлар, турли хил маросимлар, спорт мусобақалари) қўлланиладиган, яъни намойиш ва мусобақалаш мақсадида мураккаб ва оддий ҳаракатли ўйинлар қўлланилади. Улар таркибига кураш қисмлари, элементлари, от ўйинлари, кўпқари-улоқ, пойга, дорбоз, тош кўтариш, аркон тортишиш, елка уриштириш, хўрозлар жанги каби ўйинлар киритилади.

Юқорида номлари келтирилган мураккаб ва оддий халқ миллий ўйинлари барча ёшдагиларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш билан биргаликда инсоний фазилатларни ҳам шакллантириш ва уларни янада такомиллаштиришда бевосита хизмат қилади.

Аждодларимиз бизга улкан бир маънавий бойликни, мерос сифатида қолдирганки, уни сўз билан таърифлаш жуда қийин, унинг масъулиятини, жавобгарлигини ҳам ифодалаш қийин. Бу бизнинг миллий-маънавий қадриятларимиздир.

Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш жараёнида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашда таълим муассасалари, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур ҳамкорлик негизида:

- оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ўқувчилар жисмоний сифатларини ривожлантиришдаги фаолияти мазмунан такомиллашади;

- иш шакл ва методлари бойитилади; ўзаро тажриба алмашилади; иш фаолиятида танқидий ва таҳлилий ёндошув пайдо бўлади;

- тарбиявий ишларда такрорлаш, қайтаришларга йўл қўйилмайди; тарбия жараёни сифат кўрсаткичлари ўсади; ўзаро ҳамкорликнинг яхлит механизми яратилади; бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришдаги давр талаби, ёшлар эҳтиёжига мос таълим-тарбиявий ишларни илмий, амалий, юқори савияда ўтказиш имконияти вужудга келади (3-расмга қаранг).

Тадқиқот доирасида олиб борилган тажрибамиз шуни кўрсатадики, қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш борасида тизим шаклланган бўлиб, улар ўртасидаги бирон-бир бўғинда узилиш бўлса, ҳамкорлик, таълим-тарбиявий ишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашда кутилган натижага эришиш мумкин эмас.

Ҳамкор ташкилотлар фаолиятидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлашда ҳамкорлик тамойиллари, ҳамкорлик шакллари, метод ва воситаларининг тўғри танланиши ёшлар солғом турмуш маданиятини шакллантиришда хизмат қилади. Чунки миллий қадриятлар жисмоний тарбиянинг энг таъсирчан усулларида бири бўлиб, ўқувчиларда ақлий, ахлоқий ва нафосат тарбиясини биргаликда муваффақиятли амалга оширишда муҳим воситадир.




3-расм. Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг ҳамкорлик тизими

Диссертациянинг “Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришга оид тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши” деган учинчи бобида мавзуга доир олиб борилган тадқиқот ишларининг самарадорлик даражаси аниқланиб, мавзу юзасидан тажриба-синов ишларининг таҳлили ҳамда олиб борилган тажриба-синов ишларининг математик статистик таҳлили натижалари келтирилган.

Биз қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш мақсадида 2018-2021 йилларда Бухоро шаҳридаги 9-, 35- умумий таълим мактаблари, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 12-,34-умумий ўрта таълим мактаблари, ҳамда Навоий шаҳридаги 2-,8-умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари ҳамда 485 нафар ўқувчиларнинг умумий тушунчаларини муайян анкета саволларига жавоби орқали аниқланди.

Тадқиқотимиз мақсади, белгиланган вазифалар ҳамда олиб борилган тажриба-синов ишлари, шунингдек, мавзуга оид илмий манбаларнинг таҳлили асосида яратилган моделлар негизида қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган моделини ишлаб чиқдик (4-расмга қаранг).

Мазкур тадқиқотимизда жисмоний маданият ҳамда бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналишлардаги фанлар ўқитувчилари билан ҳамкорликда амалий машғулотларни ташкил этиш жараёнида, шунингдек, маърифий-маънавий тадбирларда «Миллий қадриятлар тарбия асоси», “Аждодлар меросида жисмоний баркамоллик ғояси”, “Халқ байрамлари



4-расм. Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш модели

жисмоний баркамоллик воситаси”, “Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний сифатларини ривожлантиришга қадриятли ёндашув”, “Халқ педагогикасида

жисмоний сифатларни ривожлантириш мазмуни”, “Барҳаёт удумлар”, каби мавзулардан фойдаланганимизда ўзининг ижобий самарасини берди.

Қадриятлар, айниқса, миллий қадриятлар, байрамлар, халқ сайллари, анъаналар, миллий мерос намуналари ҳақидаги маълумотлар кенглигини назарда тутиб ўқувчиларнинг мустақил ижодий ишлари мазмунига ота-оналари ҳамкорлигида ишлаш учун жисмоний етуклик, ривожланиш, баркамоллик, камолот билан боғлиқ мавзулар, энг аввало, одоб–ахлоққа доир масалаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Биз ўз тадқиқотимизда, бошланғич синф ўқувчилари ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчилари учун қадриятли ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш йўллари кўрсатишга эътиборимизни қаратдик. Бу жараёнда кузатилган ўқув-тарбия машғулотларининг таҳлили, респондент ўқувчилар билан ташкил этилган савол–жавоблар, сўровлар кузатишларимиз натижаларини умумлаштирдик. Шу эҳтиёждан келиб чиқиб, “Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш” деб номланган электрон услубий платформа яратдик. Мазкур электрон қўлланма олий ўқув юрти талабалари, умумий ўрта таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари орасида оммалаштирилиб, шунингдек, маънавий-маърифий тадбирлар, жумладан: кечалар, суҳбат, баҳс-мунозара, интеллектуал ўйинлар ўтказилиб тажриба гуруҳидаги 245 нафар ҳамда назорат гуруҳидаги 240 нафар ўқувчилар билан иккинчи босқич анкета сўровларини ўтказилди ва қуйидаги натижаларни олишга эришилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тажриба боши ва якунидаги ўзлаштириш натижалари

Таълим муассасаси	Кўрсаткичи	Тажриба гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида ўқувчи сони	%	Тажриба охирида ўқувчи сони	%	Тажриба бошида ўқувчи сони	%	Тажриба охирида ўқувчи сони	%
3 та таълим муассасаси бўйича жами	Юқори	81	33	115	47	68	28	72	30
	Ўрта	79	32	100	41	79	33	82	34
	Паст	85	35	30	12	93	39	86	36
Жами:		245	100	245	100	240	100	240	100

Олинган маълумотларни Пирсоннинг χ^2 критерияси асосида математик-статистик таҳлил қиламиз.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижаларини мос равишда

1 ва 2- танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

1-танланма X_i : “5” “4” “3”
(назорат гуруҳи) m_i : 68; 79 93;
 $m = 240$

2-танланма Y_j : “5” “4” “3”
(тажриба гуруҳи) n_j : 115; 100; 30
 $n = 245$.

Тажриба якуни танланмасига мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади. (5- расмга қаранг).



5-расм. Тажриба боши ва охиридаги статистик маълумотларнинг график ифодаланиши

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажрибадан кейинги кўрсаткич тажрибадан олдинги кўрсаткичдан юқори экан.

Демак, бошланғич синф ўқувчилари жисмоний сифатларини ривожлантиришда қадриятли ёндашувдан фойдаланиш ва уни амалиётга татбиқ қилиш бўйича самарали натижага эришилгани олинган кўрсаткичларнинг статистик таҳлилидан маълум бўлиб турибди.

ХУЛОСАЛАР

1. Ёш авлодни маънавий-ахлоқан етук, дунёқараши кенг, ҳаётда ҳар бир нарсанинг ўз ўрни, ўз кадр-қиймати борлигини чуқур тушуниб, жисмонан баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун бўлажак жисмоний тарбия ҳамда бошланғич синф ўқитувчиси халқимизнинг маданий-маънавий мероси, қадриятларини, унинг чуқур ҳурмат билан қарайдиган миллий анъаналарини пухта эгаллаган, унга, эъзозлайдиган, уни янада ривожлантириш учун кураша оладиган мутахассис қилиб тайёрлаш муҳим ва долзарб муаммо эканлиги тадқиқот жараёнида асосланди.

2. Бошланғич синф ўқувчилар жисмоний сифатларини ривожлантиришда қадрият сифатида: халқ байрамлари, сайллар, урф-одатлар, анъаналар, пандномалар, дostonлар, эртак, мақоллар, маталлар, қўшиқлар, лапарлар, санамачоқларнинг ўрни ва аҳамияти эътиборга лойиқ, деб ҳисобланди.

3. Бошланғич синф ўқувчиларида қадриятли ёндашув асосида жисмоний сифатларни ривожлантириш жараёнида кадр-қиммат, қадрият тушунчаси педагогик аҳамият касб этиб, уларда ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғуси, жасурлик, мардлик, шижоат, матонатлилик, андишалик, аҳиллилик, жамоавийлик, ишонч, ростгўйлилик, сабр, садоқат, самимийлик каби сифатларнинг шаклланишига хизмат қилди.

4. Жамият келажаги пойдевори бўлган бошланғич синф ўқувчиларини қадриятли ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнида камолотга етказиш асосида, уларда куч, эпчиллик, тезлик ҳамда эгилувчанлик хусусиятларини ривожлантириш педагогика фани олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

5. Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантириш жараёнида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашда таълим муассасалари, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

6. Мазкур ҳамкорлик негизида оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ўқувчилар жисмоний сифатларини ривожлантиришдаги фаолияти мазмунан такомиллашади; иш шакл ва методлари бойитилади; ўзаро тажриба алмашилади; иш фаолиятида танқидий ва таҳлилий ёндашув пайдо бўлади; тарбиявий ишларда такрорлаш, қайтаришларга йўл кўйилмайди; тарбия жараёни сифат кўрсаткичлари ўсади; ўзаро ҳамкорликнинг яхлит механизми яратилади; бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришдаги давр талаби, ёшлар эҳтиёжига мос таълим-тарбиявий ишларни илмий, амалий, юқори савияда ўтказиш имконияти вужудга келди.

7. Тадқиқот давомида амалга оширилган тажриба-синов ишларининг тажриба гуруҳидаги самарадорлик даражаси кўрсаткичи 12,6% ни ташкил этди.

ТАВСИЯЛАР

1. Олий таълим муассаси жисмоний маданият ҳамда бошланғич таълим таълим йўналишидаги “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фани шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларидаги “Жисмоний тарбия” ўқув предмети қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришга оид илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

2. Инсон аввало оила бағрида униб-ўсади, шахс сифатида шаклланади. Оиладаги таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий қадриятлар кейинчалик одамлар орасида — маҳалла-кўй таълим муассасаларида сайқал топади. Баркамол авлодни вояга етказишдек улуғ вазифани оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги асосида ташкил этиш ва бу ҳамкорлик доирасида фарзандларимизда жисмоний сифатларни ривожлантириш бўйича махсус методик қўлланмалар ҳамда ўқув-услубий ишланмалар, тақдимотлар, электрон ресурслар тайёрлаш ;

3. Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний сифатларини ривожлантиришга қаратилган, миллий халқ урф-одатлари ва анъаналарини ўзида мужассамлаштирган ўйинлардан ташкил топган таълим муассасалариаро ҳамда ҳудудий мусобақаларни мунтазам равишда ўтказиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ДАВРОНОВ НУРЗОД ИСМОИЛОВИЧ

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ
ФИЗИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ УЧЕНИКОВ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ
НА ОСНОВЕ ЦЕННОСТНОГО ПОДХОДА**

13.00.01 - Теория педагогики. История педагогических учений

АВТОРЕФЕРАТ

**диссертации на соискании учёной степени доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована под номером B2019.3.PhD/Ped1063 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Бухарского государственного университета (www.buxdu.uz) «Ziyouet» (www.Ziyouet.uz)

Научный руководитель: **Маъмуров Баходир Бахшуллаевич**
доктор педагогических наук (DSc), профессор


Официальные оппоненты: **Махмудов Мэлс Хасанович**
доктор педагогических наук, профессор
Ахмедов Фуркат Кулдошевич
кандидат педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Навайнский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится « 16 » « ноябрь » 2022 года в 10:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200118, город Бухара, улица М. Икбола, д. 11) Тел.: (+99865221-29-14; факс: (+99865221-29-14, Email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирован за номером ____). Адрес: 200118, город Бухара, улица М. Икбола, д. 11). Тел.: (+99865221-29-14).

Автореферат диссертации разослан 03 / 11 2022 года.
(протокола рассылки № 12 от 03 / 11 2022 года).



[Signature]
С.К.Каххаров
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор педагогических наук, профессор

[Signature]
А.Р.Жураев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней доктор философии по педагогических наукам (PhD), доцент

[Signature]
Х.О.Жураев
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор педагогических наук (DSc), профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире воспитание молодёжи, как всесторонне развитой личности, определение концептуальных основ процесса воспитания, истории и сущности этнопедагогических ценностей, традиций и обычаев конкретного народа, эффективное использование инновационных образовательных технологий в процессе физического воспитания учащихся начальных классов, обеспечение закономерности развития духовного, нравственного, умственного и физического воспитания учащихся на основе межпредметной интеграции, признано большинством международных институтов физического воспитания, в том числе признанное ЮНЕСКО "наиболее эффективным средством обеспечения всех детей и молодежи соответствующими навыками, поведением, ценностями, знаниями и концепциями для активного места в обществе".

Мировая система образования проводит научные исследования, направленные на изучение социально-педагогических особенностей развития физических качеств младших школьников, исследование этнопедагогических и этнопсихологических аспектов, реализацию определения физических качеств с использованием различных программно-цифровых систем, формирование позитивного отношения к ценностям посредством использования инновационных информационно-образовательных технологий. В современных условиях изучение развития физических качеств на основе ценностного подхода у молодежи, с педагогической точки зрения играет важную роль в сущности всестороннего восприятия действительности.

В нашей стране проводится огромная работа в рамках охраны и укрепления здоровья учащихся начальных классов, формирования отношения к ценностям посредством физических упражнений, позволяющих им достичь физической зрелости и образовательных мероприятий, отражающих содержание Национального наследия. Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 "О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы"¹ определяет такие задачи, как "разработка и реализация национальной программы, предусматривающей строительство новых школ, увеличение числа частных школ, повышение качества образования". Мнение президента Республики Узбекистан о том, что "мы мобилизуем все силы и возможности нашего государства и общества для того, чтобы повзрослеть и быть счастливыми как люди, обладающие независимым мышлением, высоким интеллектуальным и духовным потенциалом нашей молодежи и которые на мировом уровне не уступают своим сверстникам ни в одной

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года №УП-60

области"², придает силы всем. В связи с этим на основе ценностного подхода большое значение имеют научно-практические исследования, направленные на уточнение педагогических условий развития физических качеств у учащихся начальных классов и совершенствование методов обучения.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года "О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы", УП-5313 от 25 января 2018 года "О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования", УП-5712 от 29 апреля 2019 года "Об утверждении концепции развития системы государственного образования", УП № 5924 от 24 января 2020 года "О мерах по дальнейшему совершенствованию и популяризации физической культуры и спорта в Республике Узбекистан", УП-6099 от 30 октября 2020 года "О мерах по широкому внедрению здорового образа жизни и дальнейшему развитию массового спорта", ПП-3931 от 5 сентября, 2018 года "О мерах по внедрению новых принципов управления в систему государственного образования", а также других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: 1. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства, а также пути их реализации».

Степень изученности проблемы. В нашей стране, ценности, её виды и философские основы были изучены такими учёными, как Э.Юсупов, Ж.Туленов, Г.Назаров вопросы физического воспитания подрастающего поколения, особенно учащихся начальных классов были отражены в научно-практических трудах группы ученых таких, как К.М.Махкамжонов, Ф.Н.Насриддинов, Р.С.Саломов, Т.С.Усманходжаев, Ш.Х.Хонкелдиев, Т.М.Юнусова, Ф.Ходжаев, К.Д.Ярышев, Б.Байбобоев и А.М.Ачилов.

В плане изучения социально-педагогических особенностей народных национальных подвижных игр исследования таких ученых, как М.М.Рахимов, Р.Юлдашева, Х.Туленова, Т.Расулов, Б.Б. Маъмуров имеют ценное научное значение.

Среди ученых Содружества Независимых Государств в изучении роли и значения ценностных представлений в развитии и формирования личности А.В.Морозов, В.С.Кокошин, П.П.Гайдено, вопросы педагогической аксиологии и аксиологического подхода в образовательном процессе были

² Речь Президента Республики Узбекистан в совместном заседании палат Олий Мажлиса от 6 ноября 2021 года.

специально исследованы Г.П.Богдановым, Л.П.Матвеевым, Г.Ю.Фокиным, Е.Я.Бондаревским, М.М.Боген, В.М. Качашкиным.

